

ҲУҚУНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР, ФУҚАРОЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА МУРОСАСИЗ МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Нуриддинов Отабек Ойбек ўғли,

*Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган
филиали талабаси*

E-mail: nuriddinovotabektdyu@gmail.com

Нозимахон Собирова Муҳторхон қизи,

*Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган
филиали "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат
хавфсизлигини таъминлаш" кафедраси ўқитувчиси, Тошкент,
Ўзбекистон*

E-mail: nozimakhon.sobirova@gmail.com

Аннотасия: *Фан, техника, санъат ёки касб соҳалари ривожланиши билан инсон имкониятлари доираси ҳам кенгайиб боради. Табиийки глобалашган дунёда хавф-хатарлар сони ҳам шунча ортади. Ҳозирги даврда содир этилаётган жиноятлар охирги ўн йилги жиноятлардан ўзининг техник, тактик ва методик усуллари билан кескин фарқ қилади. Хусусан, коррупция билан боғлиқ жиноятлар жумласидан. Тадқиқотнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ПФ–60-сон фармони, шунингдек, жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга доир раҳбарий кўрсатмалар асосида ишлаб чиқилган. Шунингдек, мазкур мақоланинг асосий мақсади коррупцияга қарши курашишнинг ўзига хос анъанавий ва янги методологик асосларини ишлаб чиқиш, шунингдек бошқарув тартибига қарши жиноятларга барҳам беришда қонунчиликка илмий асослантирилган назарий хулосалар, амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.*

Калит сўзлар: *хулқ-атвор, жиноий хулқ-атвор, коррупция омили, ҳалоллик вакцинаси, пора, ҳуқуқий онг, моддий наф, қимматбаҳо совға, пора олиш, пора бериш.*

Хар қандай инсон ўзини жамиятдан айро ҳолда тасаввур қила олмайди. Шу сабабдан ҳам шахслар турли жамоаларга бирлашиб ўзларининг ҳаётий эҳтиёжларини қондирадилар. Мазкур шахсларнинг ўзаро ёки жамият билан бўлган муносабатларини ижтимоий фанлар ўрганади. Хусусан, фалсафа, социология, психология, педагогика ва соҳанинг бошқа тармоқлари. Аммо шундай фанлар бор-ки, уларнинг ўрганилиш соҳаси нафақат ижтимоий, балки, ҳуқуқий ёндашувни талаб этади. Жумладан шахснинг ҳуққ-атворини ўрганиш барча фанлар учун умумийдир.

Бежизга дастлабки фикримизни шахснинг ҳуққ-атвориға боғламадик. Сабаби ҳуқуқшунос олимлар инсоннинг ҳуққ-атворини муайян ҳуқуқий, жисмоний, руҳий, ахлоқий маънавий сифатларини шакллантиришга қаратилган амалий жараён деб ҳисоблайдилар [1]. Шунингдек, шахснинг ҳуққ-атвори ахлоқшунослик фанлари (фалсафа ва мантиқ), ҳуқуқий фанлар (жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ)нинг предмети сифатида қабул қилиш ўринли бўлади. Хусусан, ижтимоий-ҳуқуқий фанлардан бири криминология фанига боғлайдиган бўлсак, мазкур фан шахснинг жиноий ҳуққ-атворини ўрганинади. Айнан инсон ҳуққ атворини тушуниш орқали турли муамоларга барҳам бериш мумкин. Хусусан, жиноятчи шахслар қўллаши мумкин бўлган усул ва воситалар жумласидан.

Криминологик нуқтаи назардан коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши бир қатор сабаб ва омиллар натижасида содир этилади. Жумладан:

1. демократик сиёсий анъаналарнинг у қадар барқарор эмаслиги;
2. фуқаролик институтларининг заифлиги, жамият ҳокимиятдан ажралиб қолганлиги;
3. ҳокимият институтларининг заифлиги;
4. ҳуқуқий бўшлиқлар;
5. сиёсий беқарорлик ва бошқалар [2].

Айнан юқорида келтириб ўтилган сабаблар натижасида шахс (мансабдор шахс, фуқаро) ўзининг иродасизлиги, ўткинчи хойи ҳавасга бўлган иштиеқининг баландлиги натижасида коррупция билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир этишига асосий омил бўлади. Шунингдек, аҳолининг сиёсий ёки ҳуқуқий онги у қадар ривожланмагани ёки жамият бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга бефарқлиги натижасида коррупция билан боғлиқ жиноят содир этилишига билвосита сабабчи ҳам бўлиб қоладилар. Бунинг учун фуқаролар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоатчилик вакиллари мазкур турдаги жиноятга мурасасиз курашиш кайфиятини

шакллантиришлари мақсадга мувофиқ [5]. Шу билан биргаликда бошқарув тартибига қарши жиноятлар, хусусан коррупциявий жиноятларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни таҳлил қилиш ва уларга барҳам бериш орқали самарали натижага эришиш мумкин. Жумладан:

1. давлат бошқарувида конституция билан тартибга солинган очиқлик ва шаффофлик принципларига амал қилмаслиги;
2. жамоатчилик назоратининг самарали амалга оширилмаслиги;
3. сиёсий маданиятнинг шаклланмаганлиги;
4. ОАВ орқали коррупция жиноятларига қарши курашишда самарали механизмлар йўлга қўйилмаганлиги;
5. ахлоқий маърузаларнинг ташкиллаштирилмаганлиги;
6. миллий қадриятларга амал қилинмаслиги.

Фалсафа фанидан маълум-ки, сабаб ва шарт-шароит ўртасида сабабий боғланиш вужудга келганидагина жиноят содир этилади. Хусусан, пора олиш жиноятининг асосий сабаби ҳокимият институтларининг заифлиги, сиёсий беқарорлик каби омиллар, шунингдек мазкур турдаги жиноятларни содир этилишига имкон яратган шарт-шароитлар натижасида коррупциявий жиноятлар вужудга келади. Жиноятчиликка барҳам бериш ёки уларни олдини олиш фақат ва фақат жиноят содир этилишига асос бўлувчи сабабиятга барҳам бериш орқали самарали натижага эришилади.

Шу сабабдан ҳам Республикамизда коррупцияга мурасасиз курашиш механизмлари ишлаб чиқилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан мазкур жиноятчиликка барҳам беришда турли диний, ахлоқий ва миллий қадриятларимизни ифода этувчи усул ва воситалар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, ҳалоллик вакцинаси жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак", деб таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Тараққиёт стратегияси ва "Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги ПФ-6257-сон фармони мазкур турдаги жиноятчилик билан курашишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда [3].

Коррупция жиноятлари боғлиқ жиноятларни олдини олишда "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари" низомини янги таҳрирда қабул қилиш, унда коррупциявий жиноятларни содир этилишида янги методларини ўрганиш мақсадга мувофиқ [4]. Жумладан, коррупция жиноятида "қимматбаҳо совға" олиш каби тушунчаларни ўрганиш ва қонунчиликка бир қатор тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ривожлантириш орқали мазкур турдаги жиноятларга нисбатан муросасиз кайфият шакллантириш орқали самарали натижага эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, коррупция билан боғлиқ жиноятлар аввало ҳокимият вакилларнинг сиёсий иродасизлиги, нафсига ўта эркинлик беришлари, қонунчиликдаги бўшлиқлар ва бошқа бирқанча сабаблар, шунингдек мазкур жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар натижасида содир этилади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак-ки, бошқарув тартибига қарши жиноятлар субъектлари қаторида фуқаролар ҳам назарда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 211-моддасига мувофиқ пора бериш жиноятлари жумласидан. Шу сабабдан ҳам коррупцияга қарши курашишда давлатнинг барча сиёсий, ҳуқуқий ташкилотлари ва фуқароларимиз мазкур жиноятчилик билан курашишда муросасиз кайфиятда бўлишлари ва мустаҳкам иродани шакллантириш мақсадга мувофиқ.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. – 28 б.
2. Тулаганова Г.З., Утегенов О.Д. Коррупциянинг олдини олишни таъминлаш масалалари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2021. – 79-80-бет
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6257-сон фармони;
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари

ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон фармони.

6. Собирова, Н. «Юридическая природа понятия „конфликта интересов“ на примере законодательства зарубежных стран». Общество и инновации, т. 3, вып. 1/S, март 2022 г., сс. 288-94, doi:10.47689/2181-1415-vol3-iss1/S-pp288-294.